



Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси

Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси



УМУМИЙ МАЪЛУМОТ



ҚАРЗ БИТИМИ

UZ-7038
сонли қарз битими 2022 йил
23 апрелда имзоланган



ҚОНУНИЙ АСОСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2024 йил 6 мартдаги
113 сон қарори



АМАЛГА ОШИРИШ МУДДАТИ

2024 – 2028 йиллар



АМАЛГА ОШИРИШ ҲУДУДИ

Миллий статистика тизими

ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ



Миллий статистика тизимини
трансформация қилиш ҳамда
tizim мутахассисларининг малакаси
ва салоҳиятини ошириш



Миллий статистика
қўмитасининг маълумотларни
йиғиш ва тарқатиш
амалиётини яхшилаш



Миллий статистика тизимини
АКТ ҳамда замонавий техника ва
дастурларга бўлган талабларини
қўллаб-қувватлаш



Аҳоли, уй хўжалиги ва
қишлоқ хўжалигини рўйхатга
олиш тадбирларини
ташkil этиш



Кадрлар малакасини
ошириш ва статистик
тадқиқотлар институтининг
салоҳиятини ошириш

ЛОЙИҲА КОМПОНЕНТЛАРИ

Компонент 1: «Институционал ислоҳот ва салоҳиятни ошириш» (2,3 млн долл.)

- Статистика тизими доирасида трансформация жараёнларини амалга ошириш;
- малакали хорижий экспертларни, собиқ миллий статистика офислари раҳбарларини жалб қилиш;
- Миллий статистика қўмитасининг операцион жараёнларини оптималлаштириш;
- ходимлар малакасини ва салоҳиятини ошириш (тренинглар, «IT» курслари, экспертлар ва хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш);
- Кадрлар малакасини ошириш институти салоҳиятини ошириш.

Компонент 2: «Маълумотларни ишлаб чиқариш» (30,0 млн долл.)

- экспертларни жалб қилиш орқали миллий ҳисоблар статистикасини модернизация қилиш;
- бизнесни рўйхатга олишни бошқариш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш;
- сўров жараёнларини такомиллаштириш орқали мониторинг тизимини яхшилаш;
- аҳолини, уй хўжаликларини ва қишлоқ хўжалигини, шунингдек бизнесни рўйхатга олиш тадбирларини ташкил этиш.

Компонент 3: «Жиҳозларни яхшилаш ва тарқатиш амалиёти» (15,7 млн долл.)

- миллий статистика тизими доирасида маълумотларни тўплаш ва тезкорлик билан қайта ишлаш мақсадида замонавий ва йуқори қувватга эга Маълумотлар-марказини ташкил этиш;
- Статистик маълумотларни тарқатиш, кенг оммага маълум қилиш мақсадида Миллий статистика ҳузурида Медиа-марказ ташкил этиш ҳамда зарур ускуналар билан таъминлаш;
- Миллий статистика қўмитаси ва тизимга алоқадор вазирлик ва идораларнинг маълумотларни йиғиш ва тарқатишда замонавий АКТ ва дастурий таъминотларга бўлган эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш.

Компонент 4: «Лойиҳа бошқарувини қўллаб-қувватлаш» (2,0 млн долл.)

- лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўллаб-қувватлаш учун халқаро тажрибали экспертни жалб қилиш;
- хизмат сафарлар, кейтиринг, таржимонлик ва бошқа хизматлар;
- лойиҳани бошқариш билан боғлиқ харажатлари (офис ускуналари, транспорт, лойиҳани бошқариш гуруҳи мутахассисларининг ойлик маошлари ва бошқа доимий харажатлар).



ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ | КОНСУЛЬТАНТ ХИЗМАТЛАРИ | УСКУНАЛАР | ЛОЙИҲАНИ БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ | ТАҚСИМЛАНМАГАН МАБЛАҒЛАР |
|---------------------------|------------------------|-----------------------|----------------------------------|--------------------------|
| \$50 млн. | \$8,0 млн. | \$34,5 млн. | \$2,0 млн. | \$5,5 млн. |


| ЎЗЛАШТИРИЛГАН МАБЛАҒЛАР <i>(2025 июль ҳолатига)</i> | КОНСУЛЬТАНТ ХИЗМАТЛАРИ | УСКУНАЛАР | ЛОЙИҲАНИ БОШҚАРИШ |
|--|------------------------|----------------------|----------------------|
| \$1,7 млн. | \$0,5 млн. | \$0,9 млн. | \$0,3 млн. |



2024-2025 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР



40га яқин тизимга алоқадор ходимлар малака ва билимларини ошириш мақсадида **Корея, Малайзия, Сингапур, Польша, БАА, Тайланд, АҚШ ва Буюк Британия** каби давлатларга юборилди



Мавжуд миллий статистикани ривожлантириш стратегиясини таҳлил қилиш ва статистика тизимини **трансформация қилиш** бўйича экспертлар жалб қилинди



Миллий статистика қўмитаси ва ҳудудий бошқармалар учун **компьютер, принтер ва планшетлар, шунингдек «IP» телефон ва «Face ID» турникет** қурилмалари харид қилинди



Миллий статистика қўмитаси ҳузурида **Маълумотлар-марказини** ва **Медиа-марказни** яратиш ишлари амалга оширилди



hisobot.stat.uz, planshet.stat.uz, siat.stat.uz va module.stat.uz сайтлари экспертизадан ўтказилди ҳамда **“STATA”** дастури лицензияси янгиланди



Институт биносида **«Рақамли статистика илмий амалий лабораторияси»** ва **«Халқаро нашлар электрон кутубхонаси»** ташкил этилди

ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Тизимнинг трансформация жараёнлари ва салоҳиятни ошириш:

- тажрибали халқаро экспертларни, чет эл илғор миллий статистика офисларининг собиқ раҳбарларини, шунингдек ташкилий, операцион ва кадр масалалари бўйича етакчи компанияларни жалб қилиш орқали миллий статистика тизимининг трансформация жараёнларини муваффақиятли яқунлаш;
- 2026–2030 йиллар учун статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Аҳолини ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини амалга ошириш;
- асосий маълумот ишлаб чиқарувчи идораларда статистик тадқиқотлар, таҳлил ва мониторинг салоҳиятини ошириш;
- Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва илмий тадқиқотлар институтининг фаолиятини қайта ислоҳ қилиш ва ушбу институт негизда “Замонавий билимлар марказини” (“Centre of excellency”) ташкил этиш.

Маълумотлар ишлаб чиқариш ва тарқатишни яхшилаш:

- Очиқ маълумотлар ҳамда халқаро рейтинглар ва индекслар учун кўрсаткичларни такомиллаштириш;
- Маълумотлар-марказини замонавий ва йирик маълумотларни қайта ишлаш оладиган даражада ташкил этиш;
- Маълумотларни Оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаълар орқали тарқатишга ихтисослашган Медиа-марказ фаолиятини ривожлантириш;
- Миллий статистика қўмитаси ҳамда статистика тизимига алоқадор вазирлик ва идораларнинг АКТ ва дастурий таъминотларини янгилаш;
- Статистика тизимида сунъий интеллект («AI»), «Machine Learning», “SQL”, “Python” ва “Power BI” каби илғор дастурий таъминотлар асосида иш ташкил қилишга эришиш;
- Кичик ҳажмдаги (микро) маълумотлар («Micro data»)ни тарқатиш амалиётини йўлга қўйиш орқали “Микро маълумотлар” лабораториясини яратиш;
- Йиллик статистик тўпламларни такомиллаштириш ҳамда турли хил статистик ҳисоботларни тайёрлаш ва нашр этиш.